ЎЗБЕК ТИЛИДА УНЛИ ФОНЕМАЛАРНИ ТАСНИФЛАШ АСОСЛАРИ

Д.А.Набиева

Мақолада ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унли фонемаларнинг акустик-артикуляцион белгилари фонологик нуқтаи назардан таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: *тил ва нутқ, парадигматика, синтагматика, фарқловчи белги, зидланиш, фонема, вариант, тавсиф, тасниф.*

В статье анализируются акустико-артикуляционные признаки гласных современного узбекского языка с фонологической точки зрения.

Ключевые слова: *язык и речь, парадигматика, синтагматика, дифференциальный признак, оппозиция, фонема, вариант, характеристика, классификация.*

The article analyzes the acoustic-articulation properties of the Uzbek vowel phonemes from the phonological point of view.

Key words*: language and speech, paradigm, syntagm, differential properties, opposition, phoneme, variation, characteristics, classification.*

Борлиқнинг қайси бўлагини ўрганишга киришмайлик, учта саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз: “бу нима?”, “қандай тузилган?”, “нима учун ишлатилади?”. Биринчи саволдан объектнинг шакли, кўриниши ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Иккинчиси унинг ички тузилиши, структураси, нимадан ташкил топгани ҳақида маълумот олишга қаратилган. Учинчи савол эса унинг вазифасини ўрганишга жалб этади. Тил бирликларини, хусусан, тилнинг энг кичик бирлиги бўлган фонемаларни ҳам шу тарзда ўрганиш мумкин. Бунда биринчи ва иккинчи саволга фонетика жавоб беради, учинчи саволга жавобни эса фонологиядан олиш мумкин.

Туркий тилларнинг фонологик системаси ва, хусусан, унлилар тавсифи ва таснифига бағишланган тадқиқотларда унлиларнинг уч белгиси – тилнинг вертикал ҳолатига кўра, тилнинг горизонтал ҳолатига кўра ҳамда лабларнинг иштирокига кўра белгилари уларнинг таснифи учун асос белги сифатида эътироф этилади [3.72; 9.16].

Туркий тиллар қаторида ўзбек тили ўзига хос фонетик ва фонологик структураси билан ажралиб туради. В.В.Решетов ўзбек тилининг фонетик хусусиятларини таҳлил этиш жараёнида ўзбек тили вокализмининг бошқа туркий тиллар вокализмидан нафақат адабий тилдаги унлилар миқдори билан, балки сифати билан ҳам фарқ қилишини таъкидлайди. Бунинг сабабини эса туркий тилларга хос бўлган сингармонизмнинг бузилиши, артикуляциянинг бир мунча олдинга сурилиши ҳамда палатал аттракциянинг, яъни унлиларнинг қатор белгиси бўйича фарқланишларининг силлиқланиши билан изоҳлайди. Бунинг натижасида типик туркий вокализмда мавжуд олд ва орқа қатор унлилар жуфтлигидан тилнинг ҳар бир кўтарилишига мос индифферент унлилар ҳосил бўлганини эътироф этади [8.116]. Кўринадики, туркий тиллар вокализмида фонологик қимматга эга бўлган тилнинг горизонтал ҳолатига кўра белгиси ўзбек адабий тилининг унли фонемалари учун ўз қимматини йўқотган.

Тилшунос олим Э.Умаров ҳам ўзбек адабий тилида унлиларнинг қаторга кўра фарқланишига эътироз билдирган ҳолда, бундай қараш асримизнинг бошида туркий ёдгорликларда берилган унлиларни акс эттириш муаммосини ечиш мақсадида В.В.Радлов бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг туркий тилларга қаттиқлик-юмшоқлик хослигини, шунинг учун бу тиллардаги унлиларни тил олди, тил орқа товушларига ажратиб кўрсатиш лозимлигини таъкидлаб, ўз ишларида ана шу қоидага амал қилганларини эътироф этади [12.77-80] ҳамда адабий тилдаги унли фонемаларни оғизнинг очилиш даражасига ва лабнинг иштирокига кўра тасниф қилиш ўринли эканлигини таъкидлайди [11.53].

Демак, ҳозирги ўзбек адабий тили унли фонемаларининг таснифи учун икки белги асос бўлади:

1) оғизнинг очилиш даражасига кўра: кенг, ўрта кенг (ўрта тор), тор;

2) лабнинг иштирокига кўра: лабланган, лабланмаган.

Туркий тилларда унлиларнинг энг муҳим фарқловчи белгиларидан бири кенглик-торлик, яъни оғизнинг очилиш даражасига кўра белгисидир. [14.27]

Бу белгига кўра унлилар бир қатор туркий тилларда икки босқичли оппозицияни ташкил қилади: **а,(а), о, о** – кенг (компакт), **і, і, у, у** – тор (диффуз).

Озарбайжон, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, татар, хакас ва бошқа айрим туркий тилларда унлилар юқоридаги белгига кўра уч ва тўрт босқичли оппозицияни ҳосил қилади. Масалан:

озарбайжон тилида:

кенг	а а	о о
ярим кенг	э	
тор	і і	у у

бошқирд, татар, чуваш тилларида:

кенг	а а (э)	
ярим кенг	і і	о о
тор	і і	у у

қозоқ тилида:

кенг	а а	о о
ярим кенг	э	
ярим тор	і і	у у
тор	і і	у у [14.27; 13.39].

Ўзбек тили фонетикасига оид тадқиқотларда уч босқичли зидланиш мавжудлиги кўрсатилади:

кенг	а	о
ярим кенг	э	ў
тор	и	у

Унли фонемаларнинг уч босқичли зидланиши деярли барча ўзбек тилшунослари томонидан эътироф этилади, лекин бу уч босқичли зидланишни ташкил этаётган унли фонемаларнинг миқдори масаласида тилшунослар ўртасида бир хиллик йўқ.

Хусусан, профессор М.Миртожиев фонеманинг функционал томонини рад этган ҳолда, ўзбек адабий тилидаги унлиларнинг олтитадан кўп эканлигини кўрсатади [4.20]. Унинг фикрича, “Инсон товушининг икки асоси бор: 1) акустик асос 2) биологик асос. Баъзи адабиётларда яна лингвистик асос ҳақида ҳам гап боради. Бунда эса товушнинг нутқдаги вазифа томони назарда тутилади. Бироқ товуш нутқда вазифа бажармайди, балки нутқ мазмунининг энг кичик бўлаги бўлган фонеманинг шакли ҳисобланади” [4.5].

Аслида, артикуляцион-акустик тамойил фонемаларни эмас, балки унинг вариантларини белгилаш учун асос бўлади. Бир фонема таркибига бирлашган вариантлар ўзи мансуб қатордаги бошқа вариантлардан ўзига хос акустик-артикуляцион белгиларининг мавжудлиги билан фарқланади, лекин артикуляцион-акустик бирликларнинг вазифа томони уларни муайян умумийликларга бирлаштириш учун бош тамойил бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, нутқ жараёнида унлилар артикуляцион-акустик томондан турли вариантларда талаффуз қилинишидан қатъи назар, тил сатҳида оғизнинг очилиш даражасига кўра уч фарқловчи белги фонологик қимматга эга бўлади ва унлилар системасидан ўз қимматига кўра жой олади [5.75].

Ўзбек адабий тили унлилари учун яна бир фарқловчи белги лабланиш-лабланмасликдир. Бу фарқловчи белги ҳам барча туркий тиллар унлилари учун типик саналади. Лабланиш-лабланмаслик белгисига кўра унлилар бинар зидланишга эга бўлади**: а, э, и –** лабланмаган унлилар, **о, ў, у –** лабланган унлилар. Кўринадики, ҳар қайси лабланган унлига лабланмаган унли мос келади.

Лабланиш-лабланмаслик белгисига кўра бинар мослик кўп ҳолларда бузилиши мумкин. Бундай номувофиқлик лабланмаган унлиларнинг нутқ жараёнида лабланишида ва лабланган унлининг лабланиш белгисини йўқотишида кузатилади.

Ўзбек тили фонетикасига бағишланган тадқиқотларда “о” фонемасининг артикуляцион-акустик белгиси турлича талқин этилади. Ўзбек тили фонетикаси (фонологияси) тарихи билан шуғулланган туркологлар “**о”** фонемасининг келиб чиқиши ҳақида икки хил фикр билдирадилар. Кўпчилик “**о”** фонемаси ўзбек тилида умумтуркий орқа қатор, кенг, лабланмаган унлининг нутқ жараёнида, муайян фонетик қуршовда лабланган вариантда талаффуз қилиниши ва даврлар ўтиши билан бу вариантнинг фонологик қимматга эга бўлиб, мустақил фонемага айланганини таъкидлайдилар.

Е.Д.Поливанов кенг, лабланган унли “**о”** фонемасининг вужудга келишини ташқи омил билан, эроний тиллар таъсири билан боғлаган эди. [7.17].

А.К.Боровков эса “**о”** нинг ҳосил бўлишини конвергенция билан бирга позицион ҳолат билан ҳам боғлаб асослайди.

“о” фонемасининг пайдо бўлиши ва унинг лабланиш даражаси ҳақида хилма-хил қарашларни умумлаштирган ҳолда, А.Абдуазизовнинг қуйидаги фикрини келтириш мумкин: “Ҳар икки таъсир (ички ва ташқи – Д.Н.) натижасида **а** фонемаси дивергенцияга учраган, яъни икки фонемага ажралган” [1.23]. Е.Д.Поливанов формуласи бўйича **а : б - с,** яъни с элементи а ва б элементларига ажралган. Натижада ўзбек тили вокализмида барча тил олди унлилари **и, э, а** лабланмаган ва барча тил орқа унлилари **у, ў, о** лабланган бўлиб, икки тенг симметрик гуруҳга эга бўлган. Аслида **а** фонемасининг ўз жуфтига эга бўлмагани бу системада бўш катак қолдирган:

и	**у**
э	**ў**
а	**-**

“Бўш катак”нинг тўлдирилиши, яъни **о** фонемасининг пайдо бўлиши юқоридаги дивергенция ҳодисаси натижасида бўлиб, ўзбек тили вокализм системасини симметрик ҳолатга олиб келди. Эндиликда бу системани Е.Д.Поливанов таснифига асосланган Н.С.Трубецкой фикрича, икки синфли (олди ва орқа қатор), уч поғонали (қуйи, ўрта, юқори), тўртбурчакли, мантиқий жиҳатдан эквиполент (яъни икки хил белги бирлашган: лабланган-лабланмаган асосий фарқланиш белгиси ва тил орқа-тил олди уларга ёрдамчи, фарқламовчи) жаҳон тилларида жуда кам учровчи вокализм системаси деб қаралади” [10.66]. Демак, ўзбек тилидаги унлиларнинг иккинчи энг муҳим фарқловчи белгиси лабланиш-лабланмаслик белгисидир.

Туркий тилларнинг кўпчилигига хос бўлган учинчи фарқловчи белги, яъни унлиларнинг қаторга кўра зидланиши ҳозирги ўзбек адабий тили учун хос эмас. Бу эса ўзбек тилининг туркий тиллар системасида ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбек тилидаги бу ўзига хос хусусият сингармонизм қонуниятларининг бузилиши, олд қатор унлилари билан орқа қатор унлиларининг қатор белгисига кўра зидланиши мўътадиллашиб, саккизта унлининг тўртта унлига келиб қолиши билан боғлиқдир. Лекин унлиларнинг қаторга кўра зидланиб, жуфтликларни ҳосил қилиши бир қатор ўзбек шеваларида сақланиб қолган. Бу шеваларда унлиларнинг қатор белгиси фонологик муҳим белги бўлиб, унли фонемалар миқдори ўзбек адабий тили унлиларидан фарқ қилади. Масалан, Андижон шевасида тил олди ү (үн – овоз, үн – ўсмоқ,) ва тил орқа у (ун – дон маҳсулоти); тил олди ө (өз – олмош, өт – тана аъзоси) ва тил орқа ў (ўз – олдинга ўтмоқ, ўт – майса, ўсимлик). Демак, ўзбек шеваларининг фонологик структураси ўзбек адабий тилининг фонологик структурасидан фарқ қилади. Шунга мувофиқ тасниф белгилари ҳам фарқлидир. Хусусан, Андижон шеваси учун унлиларнинг тилнинг горизонтал ҳолатига кўра белгисининг ажратилиши фонологик жиҳатдан муҳим саналади. Лекин адабий тил унлилари учун муҳим эмас.

Хуллас, ўзбек адабий тили унлилари учун оғизнинг очилиш даражаси (кенг, ўрта кенг, тор) ва лабнинг иштирокига кўра (лабланган ва лабланмаган) белгилари фарқловчи белгилар саналади.

Унлиларнинг бошқа белгилари (назаллик, чўзиқлик, қатор белгиси) унлилар вариантларини тавсифлашда аҳамиятга эга бўлган қўшимча белгилар саналади. Асосий белгилар унлилар парадигматикасига, қўшимча (факультатив) белгилар унлилар синтагматикасига хосдир [5.73]. Шунинг учун фонемаларни, хусусан, унлиларни таснифлашда уларнинг фонологик қимматга эга бўлган – асосий ҳамда қуршовда (синтагматикада) юзага чиқувчи фонетик – чегара белгиларини ажратиш муҳим.

Асосий (ядро) белгилар чексиз хусусийликлардан, бизнинг ҳолатимизда, товушлардан уларнинг ҳар бирида такрорланувчи умумий белгиларини аниқлаш асосида муайян типларни, яъни фонемаларни ҳосил қилиш учун асос бўлади. Масалан, *кичик, бирик, қилиқ, тирик, бил, бир* каби сўзлар таркибида ёки алоҳида талаффуз қилинган “и” лар акустик-артикуляцион жиҳатдан қаттиқлик-юмшоқлик, чўзиқлик-қисқалиқ, олдилик-орқалик белгилари билан фарқ қилади. Бунга қуршовдаги товушлар таъсир қилади. Алоҳида “и” бундан мустасно. Чунки қаттиқ, юмшоқ, чўзиқ ёки қисқа, тил олди ёки тил орқалиги алоҳида талаффузда юзага чиқмайди. Лекин уларнинг ҳар бирида такрорланувчи, ҳар бири учун умумий бўлган икки белги мавжуд: тилнинг вертикал ҳолатига кўра белгиси – торлиги ва лабнинг иштирокига кўра белгиси – лабланмаганлиги. Айнан шу икки белги уларнинг барчасини бир синфга, умумийликка бирлаштириш учун хизмат қилади, тасниф учун асос бўлади ва фонологик қиммат касб этади ҳамда тил системасида муайян парадигмадан жой олишга имкон беради.

Таъкидлаш зарурки, фонология фонетикасиз мавжуд бўлмайди, чунки у фонетика материалларига таяниб иш кўради. Фонетика товушларга тавсиф беради. Уларнинг артикуляцион ва акустик хусусиятларини ўрганади. Фонология эса шу материалларни таҳлил қилади, асосий ва чегара белгиларини ажратади. Асосий белгилари асосида умумийликларни, яъни фонемаларни ҳосил қилиб, тил системасига жойлаштиради. Буни билишнинг икки босқичи билан изоҳлаш мумкин: фонетика эмпирик, амалий билиш босқичини, фонология эса рационал, илмий билиш босқичини ташкил этади.

Хуллас**,** ўзбек тилидаги унли фонемаларни таснифлашда тил ва нутқ дихотомиясига асосланган ҳолда, уларнинг фонетик (синтагматик, чегара) ва фонологик (парадигматик, ядро) белгиларини ажратиш зарур. Бундан ташқари, шевалардаги унлилар билан адабий тил унлилари ўртасидаги фарқли нуқталарга эътибор қаратиш лозим. Ҳар икки ҳолатда ҳам унлиларнинг фонологик муҳим белгилари уларнинг таснифи учун асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. -186 б.
2. Абдуллаев Ф.А. Фонетика хорезмских говоров.- Т.: Фан, 1967.- 246 б.
3. Баскаков Н.А. Историко-типологическая фонология тюркских языков.- М.: Наука, 1988.- 207 с.
4. Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси.- Т.: Фан, 1991.- 87 б.
5. Набиева Д.А. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши.- Т.: Шарқ, 2005.- 166 б.
6. Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Введение.- Т.: Госиздат, 1935.- 219 с.
7. Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык.- Т.: Госиздат, 1933.- 45 с.
8. Решетов В.В. Узбекский язык. Фонетика.- Т.: Учпедгиз, 1959.- 357 с.
9. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. (под.ред. Тенещева Э.Р.).- М.: Наука, 1984.- 483 с.
10. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. - М.: Иностр.литература, 1960.- 270 с.
11. Умаров Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида унлиларни таснифлаш масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1995.– № 2.- Б.52-53.
12. Умаров Э.Ўзбек тилида тил олди товушлари борми? // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1994.- № 4,5,6.- Б.77-78.
13. Шакиров Р.Д. Фонетический особенности говора татар.// Материалы по диалектологии.– Казань: Таткнигоиздат, 1955. -188 с.
14. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков.- Л.: Наука, 1970.- 204 с.

Андижон давлат университети,
2017 йил 2 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ш.Шаҳобиддинова)